



## Мусулмоннинг мусулмондаги ҳаққи бештадир: саломга алиқ олиш, беморни кўргани бориш, жанозага қатнашиш, айтилган жойга бориш, акса урганга (алҳамдулиллаҳ деса), ташмит айтиш (ярҳамукаллоҳ дейиш)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Мусулмоннинг мусулмондаги ҳаққи бештадир: саломга алиқ олиш, беморни кўргани бориш, жанозага қатнашиш, айтилган жойга бориш, акса урганга (алҳамдулиллаҳ деса), ташмит айтиш (ярҳамукаллоҳ дейиш)».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадиси шарифда мусулмоннинг мусулмон биродари устидаги баъзи ҳақларини баён қилмоқдалар. Бу ҳақлардан биринчиси: Салом берганда алиқ олиш. Иккинчиси: Бетоб бўлганни кўргани бориб, холидан хабар олиш. Учинчиси: Вафот этганнинг уйдан жанозаси ўқиладиган жойигача, сўнгра қабристонгача бориб, дафн қилингунча жанозасида қатнашиш. Тўртинчиси: Агар тўйга ёки бошқа бир муносабатга чақирса, ўша жойга бориш. Бешинчиси: Акса урганга ташмит айтиш, яъни акса урган киши ҳамд айтса, унга «ярҳамукаллоҳ» дейиш. Акса урган киши ташмит айтганга «яхдийкумуллоҳу ва юслиҳу баалакум», дейиши.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3706>

